

## ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСИ.

Тошкент вилояти юридик техникуми ўқитувчиси

*Матлуба Фархутдинова*

**Аннотация:** Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига киритилган ижтимоий давлат тушунчаси, мазмуни, ҳуқуқий асослари ҳақида фикр юритилади. Ўзбекистон Республикаси юритаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг ҳуқуқий асослари мазмунан таҳлил қилинади. Аҳоли қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган қонун ҳужжатлари ва уларни амалиётда қўллашнинг ижобий жиҳатлари ҳақида фикр юритилади.

**Калит сўзлар:** ижтимоий сиёсат, ижтимоий давлат, норматив-ҳуқуқий ҳужжат, эҳтиёжманд тоифа.

Маълумки, янгиланган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 1-моддасида Ўзбекистон ўзини суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат сифатида эълон қилди. Ушбу қоида аввалги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ушбу моддасидан тубдан фарқ қилади. Моддага киритилган янги норма Ўзбекистонда демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо қилишнинг туб мақсадига мос келади. Чунки мамлакатимизда демократия умуминсоний принципларга асосланади ва давлат ўз фаолиятида қонунийлик, ижтимоий адолат ва бирдамлик принципарига таянади. Аслида Конституциямизда Ўзбекистонни ижтимоий давлат, деб белгилашнинг аҳамияти нимада?

Ижтимоий давлат ҳар бир инсон учун фаровон турмуш даражаси, хусусан, сифатли таълим, кафолатли тиббий хизмат, муносиб меҳнат шароити ва адолатли иш ҳақи, пенсия ва нафақалар, ижтимоий ёрдам ва хизматлар тизими яратилган, уй-жойли бўлиш шароити мавжуд бўлган, ижтимоий тафовутлар юмшатишган, мувозанатлаштирилган, ҳеч бир фуқаро ўз муаммолари билан ёлғиз қолмайдиган адолатли давлатдир.

Ўзбекистон республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев 2022 йил 20 июнда Конституциявий комиссия аъзолари билан бўлган учрашувда “Асосий қонунимизда “Ўзбекистон – ижтимоий давлат деган тамойилни мустаҳкамлашни таклиф этаман. Чунки “инсон қадр” тушунчаси “ижтимоий давлат” тушунчаси билан чамбарчас боғлиқдир. Ушбу ғоянинг туб негизида ҳам аввало инсон қадрини улуғлаш, инсонга хизмат қилишдек олижаноб мақсад мужассамдир”, деб таъкидлаган эди.

Мамлакатимиз раҳбари томонидан давлатни асосий қонунида бундай ном берилишини таклиф этилишини ўзи, мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилагач ислохотларнинг туб моҳиятини ифодалаб қўйган эди. Зеро, асосий Қонунимизнинг 13 – моддасида белгилаб қўйилганидек, “ Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр – қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади”. Янгиланган Конституциямизда давлатнинг ижтимоий соҳадаги мажбуриятлари билан боғлиқ нормалар 3 баробарга кўпайтирилди. Хусусан, аҳолининг эҳтиёжманд қатламини эҳтиёжларини фаровон турмушни таъминлаш принципларидан келиб чиқиб таъминлашга қаратилган нормалар киритилди. Ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд аҳолини ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, улар учун тўсиқсиз муҳит яратиш ва жамиятга интеграциясини таъминлаш ижтимоий давлатнинг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Ҳар биримизга яхши маълумки, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларига ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар, муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган фуқаролар, ижтимоий аҳамиятга молик касалликларга чалинган шахслар ҳамда етим болалар ва ота – она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар киради. Шу боис янгиланган Конституциямизнинг 57-моддаси ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан давлатнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳалар объектлари ва хизматлардан тўлақонли фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратиш. Ногиронларнинг таълим олишига кўмаклашиш, зарур ахборотларни ҳеч қандай тўсиқсиз олишига имконият яратиш билан боғлиқ мажбуриятларини белгилашга бағишланган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган ушбу нормага ҳуқуқий андоза вазифасини БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси бажарган.

Мазкур Конституциявий қоида биринчидан, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларининг ҳуқуқларини давлат ҳимоясида эканлигини ифода қилса, иккинчидан, давлатнинг аҳолининг эҳтиёжманд тоифаси олдидаги мажбуриятларини ифода қилиди. Жумладан, давлат аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларининг турмуш сифатини оширишга, жамият ва давлат ҳаётида тўлақонли иштирок этиши учун уларга шарт-шароитлар яратишга ҳамда уларнинг асосий ҳаётий эҳтиёжларини мустақил равишда таъминлаш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган чораларни кўради, деган кенг қамровли норма киритилган. Ушбу норма билан аҳолининг юқоридаги тоифаларига тегишинча имтиёзли уйлар бериш, бепул тиббий жиҳозлар, протез-ортопедия буюмлари, озиқ-овқат маҳсулотлари билан

таъминлаш, етим болалар учун олий таълимда бепул ўқиш имкониятини яратиш. Пенсия ва нафакалар билан таъминлаш, ижтимоий хизматлар тури ва сифатини ошириш чораларини кўриш давлатнинг конституциявий мажбуриятига айлантирилди. Илк маротаба Конституцияда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларини уй – жой билан таъминлаш бўйича давлатнинг мажбуриятлари қуйидагича белгиланди: “ Давлат уй – жой қурилишини рағбатлантиради ва уй – жойга бўлган ҳуқуқнинг амалга оширилиши учун шарт – шароитлар яратади”. Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда аҳолининг уй – жойга нисбатан ўсиб келаётган эҳтиёжларни қондиришга қаратилган қатор ижобий ишлар ва уларни ҳуқуқий асосларини таъминловчи қонун ва қонун ости ҳужжатлари қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 – январда имзоланган “ 2022 – 2026 йилларда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармонинг қабул қилиниши билан фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва камбағалликни қисқартириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланиб, аҳолини янги иш ўринлари ва кафолатли даромад манбаи, малакали тиббий ва таълим хизматлари, муносиб яшаш шароитлари билан таъминлаш сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Инсон қадрини юксалтириш, адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш олиб борилаётган ижобий ишларнинг туб мақсадини ифода қилмоқда.

Ижтимоий давлатда фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, адолатли ҳақ олиш, кафолатли тиббий хизмат. жамиятнинг эҳтиёжманд қатламини доимий қўллаб- қувватланиши асосий масалалар сифатида давлатнинг фуқаролар олдигаги энг муҳим мажбуриятларидан биридир.Шуни таъминлаш мақсадида Конституциямизда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорини белгилашда инсоннинг муносиб яшашини таъминлаш ҳисобга олиниши биринчидан, иккинчидан, давлат фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, ишсизликдан ҳимоя қилиш, камбағалликни қисқартириш бўйича мажбуриятлари бегилаб қўйилган.

Учинчидан, сифатли таълим, малакали тиббий хизматни таъминланиши ижтимоий давлатга хос жиҳатлардан биридир. Фуқароларнинг кафолатланган тиббий ёрдамга бўлган ҳуқуқлари ва давлатнинг таълимнинг барча шакллариغا ғамхўрлик қилиши, таълим ташкилотларида алоҳида таълим эҳтиёжларига эга бўлган болалар учун инклюзив таълим ва тарбияни таъминлаш мажбуриятлари белгилаб қўйилган. Бундан ташқари илк маротаба ўқитувчиларнинг меҳнати жамият ва давлатни ривожлантириш, соғлом, баркамол авлодни шакллантириш ҳамда тарбиялаш, халқнинг маънавий ва маданий салоҳиятини сақлаш ҳамда бойитишнинг асоси сифатида эътироф этилди.

Давлат ўқитувчиларнинг шаъни ва қадр – қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрликни олий қонун даражасида ўз зиммасига олди. Ўтган йиллар давомида ўқитувчиларнинг мажбурий меҳнат субъектига айланиб қолганлиги анча ачинарли ҳол сифатида танқид қилинар эди. Асосий қонунимизга ўқитувчилар меҳнатини ҳуқуқий ҳимоялаш билан боғлиқ бундай нормани киритилиши ўсиб келаётган ва келажак авлод олдида тарихан ўқитувчиликнинг нақадар улуғ касб сифатида эътироф этилиши ва кадрланишининг яққол исботи бўлди дейиш мумкин.

Тўртинчидан ижтимоий давлатнинг асосий вазифаси сифатида барча учун тенг имкониятлар, оилалар, болалар, аёллар, қариялар ва ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб – қувватлашдир. Шу жиҳатидан келиб чиқиб ижро органларининг ижтимоий давлат тамойилини амалга оширувчи орган сифатидаги вазифа ва ваколатлари анча кенгайди. Давлатнинг ижтимоий соҳадаги мажбуриятлари уч баробардан ортиққа кўпайди.

Хулоса шуки, Ўзбекистонни ижтимоий давлат деб белгилаш – таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий хизматлар ва жамиятдаги ижтимоий тенгсизликни юмшатиш, айниқса, ижтимоий ҳимояланмаган ва эҳтиёжманд қатламни қўллаб – қувватлаш орқали уларга муносиб турмуш шароитини яратишга хизмат қилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент .2023 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” фармони. 2022 йил
3. Инсон ҳуқуқлари. Тошкент “ Ўзбекистон “ 1997
4. Янгиланаётган Конституция 100 савога 100 жавоб. “ Адолат “ миллий ҳуқуқий ахборот маркази. Тошкент - 2023